

ТАНГАЛАРДА БИТИЛГАН ТАРИХ

Гавхар Бердиева

“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси

Фонд бўлими катта илмий ходими

Annotatsiya: Тарихга назар ташлар эканмиз, тош асридан бошлаб инсонлар турли хил нарсаларни айирбошлаганларининг шоҳиди бўламиз. Бу жараёнда эса вақт ўтгани сайин товарлар хилини кўпайтириб, айирбошлашда воситачи товарга эҳтиёж сезилади. Кейинчалик инсонлар ҳамма нарсаларнинг қийматини воситачи товар орқали баҳолай бошлайдилар. Бу, албатта, одамлар билган биринчи пул эди. Mazkur maqolada qadimdan insonlar hayotida mavjud bo'lgan Tovar-pul munosabatlari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Қадимги Шарқ, Термиз, Суғдиёна, Хоразм, Марғиёна, Парфия.

Осиё ва Африканинг кўпгина халқларига дастлаб ит тиши, тош, болта, мунчоқлар пул вазифасини ўтаган бўлса, йиллар ўтиб булар ўзини оқламади. Чунки одамларга узок мудат сақланадиган, қулай ва қимматбаҳо ҳисобланган воситачи товарлар керак эди. Кўп изланишлар натижасида бу муаммо ҳал бўлди – одамлар металлни танладилар. Чунки металлларни бўлақларга ажратиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам улар ўша даврда кўп жой талаб қилмаган ва олиб юриши осон бўлган металл бўлақларини ишлатадилар. Металл пуллар орасида олтин ва кумушнинг кадри юксак бўлган. Геродот ва Ксенофонтнинг маълумотларига кўра, илк тангалар кичик Осиёнинг Лидия давлати, Мермнад сулоласининг асосчиси Гигес даврида, яъни милoddan аввалги 692-654 йилларда олтин ва кумушнинг табиий қотишмасидан зарб қилинган. Лидияликлардан сўнг Юнонистоннинг Эгина шаҳрида ҳам тангалар зарб қилина бошланган. Эгиналиклар мустақил равишда соф кумушдан тангалар зарб қилишган ва унда тошбақа тасвирланган. Кўп ўтмай Юнонистоннинг барча шаҳарлари, кейинчалик Эрон, Рим, Хитой, Ҳиндистон каби ўнлаб давлатларда тангалар зарб қилина бошланган. Вақт ўтиши билан тангалар зарб қилишда уларнинг сифати ва рамзий маънони англаувчи белгиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тангалар нафақат сиёсий маълумотларни, балки маданият ва санъатга дахлдор муҳим манбаларни ҳам беради. Мисол учун, Афинада зарб этилган бир тангада Акрополдаги Дионис театри тасвирланган. Шу танга билан бу театр Акрополнинг қайси томонида жойлашгани аниқланган. Айтиш мумкинки, тангаларнинг кириб келиши савдо-сотик соҳасини ривожлантирган. Археологик топилмалар, араб ва юнон манбаларида келтирилган маълумотлар Термизнинг Шарқдаги қадимги шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Шаҳарнинг қулай географик ўрни, стратегик аҳамиятга молик жойда бўлганлиги, шарқни ғарб, жанубни шимол билан боғловчи савдо чоррағасида барпо этилиши, унинг тез суръатлари билан ривожланишига замин яратган. Буюк ипак йўлининг муҳим бир тармоғи ҳам Термиз орқали ўтган.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг шаклланишида Термизнинг ўзига хос ўрни бор. Кўхна Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган археологик изланишлар натижалари ва ёзма манбаларнинг таҳлилига кўра шаҳарга милoddan аввал 1 минг йилликнинг ўрталарида асос солинган.

Термиз, Суғдиёна, Хоразм, Марғиёна ва Парфия давлатлари билан маданий ва савдо алоқаларини ўрнатган. Топилмаларга қараганда шаҳарнинг Хиндистон билан маданий ва савдо алоқалари ҳам жуда фаол ва узвий бўлган.

Термиз милoddан аввал 3-2 асрларга келиб Бактриянинг энг ривожланган, сиёсий иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланди. Ашөвий далилларга кўра бу даврларда шаҳарда меъморлик ва хунармандчиликнинг бир қанча соҳалари (кулолчилик, дегрезлик ва металлсозлик), Салавкийлар, Юнон Бактрия шоҳлари товарпул муомаласи Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларига қараганда анча олдин ривожланганлигидан далолат беради.

Шимолий Тохаристоннинг таркибий қисми бўлган Термизга 671 йилдан араблар томонидан эгаллана бошланган. Натижада бу худудда халифалик тангалари ҳам тарқалади. Термизда қайд этилган Илк ислом даври тангалари Эски Термиздаги Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси юқори қатламида аниқланган. Ғ.Алимов томонидан аниқланган бу хазина 247 дирҳамдан иборат бўлган. Тангалар халифалар Ҳишом (724-743), ас-Саффоҳ (749-754), ал-Мансур (754-755), ал-Маҳдий (775-785), ал-Ҳодий (785-786), Хорун ар-Рашид (786-809), ал-Амин (804-813), ал-Маъмун (813-833)лар даврида ал-Байда, Восит, Басра, Куфа, Рай, Муҳаммадийа, Мадинат ас-Салом, Заранж, Балх, Бухоро, Самарқанд, Шош, Марв, Ҳирот, Рафиқ каби шаҳарларда зарб қилинган. Илк Ислам даврининг иккинчи йирик тангалар хазинаси 1981 йилда Эски Термизда топилган. 100 дирҳамдан иборат бўлган бу тангаларнинг аксарият қисми Балх ва Воситда, қолганлари эса Ҳур, Куфа, Кирмон, Моҳ, Мадинат ас-Салом, Муборак каби шаҳарларда зарб қилинган. Бу хазина таркибидаги энг қадимги тангалар ҳижрий 96, милодий 714-715 йиллар, қолган қисми ҳижрий 128, милодий 745-746 йилларда зарб этилган. Демак, бу даврда, катта эҳтимол билан, араблар томонидан Термизда танга зарб қилиш ҳали йўлга қўйилмаган бўлган. VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX аср бошларидаги тангаларда Термиз номи пайдо бўлади ва XIII бошларига қадар шаҳарда зарбхона муттасил фаолият кўрсатган.

Абу Муслимнинг саркардаси Хозим ибн Хузайма 759-760 йилларда ал-Ҳасан ибн Ҳамрони Балхга ноиб этиб юборади. Унинг томонидан Балхда 759-760 ва 762-763 йилларда, Термизда 759-760 йилларда фалс зарб этилади. Термизни, 759-760 йиллардаги фалсларга қараганда, ал-Ҳасан мақоми куйироқ бўлган ноиби Иброҳим ибн Маҳанга берган. Бу фалсларнинг ўзи Термизнинг маълум бўлган энг дастлабки мусулмон тангалари эди. Усмон ибн Аҳмад Сомоний (892-907) Тохаристонда маҳаллий сулола Банижўрий (Абудовудий) ларни ҳокимият тепасида қолдирди, Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида, 892-йилдан Термиз Абу Довуд Муҳаммад ибн Аҳмад тасарруфига ўтади. Довудийлар даврида Термизда дирҳамлар - кумуш тангалар зарб қилинади. Абудовудийлар вақти вақти билан Термизда ҳам ҳукмронлик қилиб турадилар. 905-906, 911-913 йиллардаги Термиз дирҳамлари бундан далолат беради. Бу дирҳамларда Банижўрий (Абудовудий) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ва Исмоил (907-914) лардан иборат валинеъматлари эслатиб ўтилган. 915-916 йилларга оид Термиз фалсларида қандайдир Муҳаммад номи битилган. Э.В.Ртвеладзе уни Абудовудийлар сулоласига киритади. Шундай бўлиши мумкинлигига шубҳа қилмаслик керак, чунки Муҳаммад исми кенг тарқалган ва 915-916 йилларда Термиз фалсида куняси келтирилмаган Муҳаммад номи Бухорода 914-917 йилларда, Самарқандда 915-916 йилларда, Бинкатда 918-919 йилларда зарб этилган фалсларга ҳам қўйилган. А.Х.Отахўжаевнинг ҳақиқатга яқин фикрига кўра, барча ҳолатларда битта шахс вазир Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳоний назарда тутилган.

Навбатдаги Термиз фалслари 957-958 йилларда Сомоний Абдулмалик ибн Нух (954-961) ва унинг вассали Куттегин номи билан зарб этилган. Гардизий ва Ибн ал-Асир маълумотларига кўра, Куттегин (ёки Хуттегин) Нух ибн Насир ҳамда Абдулмалик ибн Нухнинг таниқли амалдорларидан бўлиб, хазинадор вазифасини бажарган. Тангалардан маълум бўлишича, хизматлари туфайли унга Балх вилояти инъом этилиб сарафроз қилинган. Бу ерда 948-960 йилларда унинг номи билан дирҳамлар зарб этилган. Куттегин номи Тохаристоннинг шимолидаги айрим худудларга ҳам ёйилган. Аммо бу нумизматик маълумотларни қўлёзма маълумотлар билан таққаслашда муоммолар пайдо бўлади. Гардизий берган хабарларга кўра, 952 йилда Сомоний Нух ибн Наср Чағониённинг ҳукмдорлари-Мухтожийлардан бўлган Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммадни Чағониённинг сипоҳсолори этиб тайинлаган ва Термиз билан Чағониённи унинг ўғли Наср ибн Аҳмадга берган. В.В.Бартольд фикрича, Абу Али Чағониён ва Термизни ўз ўғлига “қолдирган”. Термиз эса Насрга унча кўп вақт қарам бўлмаган. Сомоний Абдулмалик ибн Нух бу шаҳарни Наср ибн Аҳмаддан тортиб олган, Куттегинга берилган. 999 йилда Сомонийлар давлати давлати енгилиб Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги тақсимот натижасида Чағониён Қорахонийларга, Термиз эса Ғазнавийлар измига ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Zeymal E.V. Greco-Bactria. Parthia ... – P. 346.
2. Trever K.V. Monuments of Greco-Bactrian art. – P. 114-115; Yaxshiev A. The dissertation presented ... – P. 104.
3. Yaxshiev A. The dissertation presented ... – P. 105.
4. Zeymal E.V. Greco-Bactria. Parthia ... – P. 347.
5. Justin. Epitome of the composition of Pompey Trog ... – №4. XLI, 4, 8.
6. Polybius. General history ... Т. I, XI, 34.
7. Trever K.V. Monuments of Greco-Bactrian art. – P. 115-116; Tarn W. The Greeks in Baktria and India. Ed/ II. – Cambridge, 1951. – P. 74.
8. Polybius. General history ... – P. 39. 11. Tarn W. The Greeks ... – P. 71.
9. Yaxshiev A. The dissertation presented. – P. 107.